

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ  
ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ДОН МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ДАСТЛАБКИ ҚАЙТА  
ИШЛАШ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи:**

**Тошкент – 2015**

**МУНДАРИЖА**

<b>ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....</b>	<b>3</b>
<b>Дон маҳсулотларини сақлаш технологияси.....</b>	<b>11</b>
<b>Донни қайта ишилаш асослари .....</b>	<b>19</b>
<b>АМАЛИЙ МАШГУЛОТ .....</b>	<b>23</b>
<b>Дон захираси зааркунандалари турлари билан танишиш, доннинг зааркунандалар билан заарланганлигини аниқлаш усуллари .....</b>	<b>23</b>
<b>ТЕСТ САВОЛЛАРИ.....</b>	<b>33</b>

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”  
Тармоқ маркази директори  
С.С.Гулямов  
“\_\_\_\_\_” 2015 йил**

**“ДОН МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ДАСТЛАБКИ ҚАЙТА  
ИШЛАШ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”**

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишилаш технологияси  
ОТМ таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича умумкасбий ва  
ихтисослик фанларидан дарс берувчи педагоглар учун

**Тошкент – 2015**

Модулнинг ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2015 йил 7 январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

**Тузувчилар:**

Акромов У Тошкент давлат аграр университети Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишилаш кафедра мудири доценти

Умидов Ш- Тошкент давлат аграр университети Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишилаш кафедраси доценти.

**Тақризчилар:**

Файзиев Ж- Тошкент давлат аграр университети Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишилаш кафедраси доценти, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

Ўқув дастурлари Тошкент давлат аграр университети Илмий кенгashiда тавсия қилинган ( 2014 йил 27-ноябрдаги 7-сонли баённома ).

## **Кириш**

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илфор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитиши, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим – тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

### **I. Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Дон маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлиш фанининг долзарб масалалари” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини қишлоқ хўжалигидаги билимларини такомиллаштириш, фаннинг муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

**“Дон маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлиш фанининг долзарб масалалари” модулининг вазифалари:**

- дон маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлиш фанининг долзарб масалалари фанларини ўқитиши жараёнини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;

- tinglovchilarning қишлоқ хўжалигидаги таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

•фан бўйича педагогик муаммоларни ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишга ўргатиш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникама ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

“ Дон маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишилдишфанининг долзарб масалалари ” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

•қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишилдиш технологияси йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларининг дидактик асосларини;

•қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишилдиш технологияси йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича инновацияларни;

•қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишилдиш технологияси соҳасидаги сўнгги ютукларни;

•қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишилдиш технологияси йўналиши доирасидаги мўтажассислик фанларини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни;

•қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишилдиш технологияси йўналиши доирасидаги фанларни ўқитиш бўйича педагогик маҳорат асосларини билиши керак.

•қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишилдиш технологияси йўналиши фанларидан электрон ўкув материалларини яратадан олиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;

•қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишилдиш технологияси йўналиши педагогларида касбий билимларни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;

•таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

## **Модулнинг ўкув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва ўзвийлиги**

Модул мазмуни ўкув режадаги “ Мева ва сабзавотларни сақлаш ва дастлабки қайта ишилдиш усулларининг модернизацияси ”, “ Пахта хом ашёсини сақлаш ва дастлабки қайта ишилдишда инновацион технологиялар ” ўкув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Дон маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишилдишфанининг долзарб масалаларини аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш, оптимал ва муқобил ечим топишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустакил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот			
1.	Дон маҳсулотларини сақлаш технологияси	2	2	2					
2.	<b>Донни қайта ишилаш асослари</b>	2	2	2					
3.	Дон захираси зааркунандалари турлари билан танишиш, доннинг зааркунандалар билан заарарланганлигини аниқлаш усуллари	2	2		2				
	<b>Жами:</b>	<b>8</b>	<b>6</b>	<b>4</b>	<b>2</b>			<b>2</b>	

### НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-Мавзу: Дон маҳсулотларини сақлаш технологияси**

**Режа:**

1. Дон маҳсулотларини сақлашдаги асосий масалалар.
2. Донда ўз-ўзидан қизишининг моҳияти ва унинг келиб-чиқиши шартшароитлари.
3. Дон сақлаш тартиби ва усуллари.

Дон ва дон маҳсулотларини (ун, ёрма, омухта ем)сақлаш бошқа кўпгина товар маҳсулотлари сингари мураккаб ва масъулиятли жараён бўлиб, катта миқдорда моддий-техникавий база ҳамда соҳа учун малакали мутахассисларни талаб этади.

Дон ва дон маҳсулотлари уюмининг физиологик ва физик-кимёвий хусусиятлари уни сақлашда қийинчиликлар туғдиради.

Дон тирик организм бўлиб, дон муассасасида турли туман ҳаётий жараёнлар кечади. Бу жараёнларнинг интенсивлиги атроф-муҳит шароитларига боғлиқ. Маҳсулот уюмида кечадиган жараёнлар моддаларнинг фаол алмашинувчи маҳсулот уюмининг етарлича ёъқолишига ҳамда унинг сифат кўрсаткичлари тушишига олиб келади.

## **2- Мавзу: Донни қайта ишилаш асослари Режа:**

1. Ун чиқиши миқдори ва навлари.
2. Янчиши турлари.
3. Янчиши туркмлари (классификацияси)

. Ун ишлаб чиқариш энг қадимги соҳа ҳисобланади. Даставвал оддий тошлар, сўнг тошдан ясалган ўғир ва ховончада донни майдалаш амалга оширилган. Кейинчалик ҳайвон, шамол ёки сув кучидан фойдаланиб, махсус тайёрланган иккита ясси тош ёрдамида донни майдалаб тегирмонда ун олинган. Тегирмон тошларига эга бўлган кичик корхоналар билан бир қаторда, буғ ва сув ҳамда электр қувватига асосланган заводлар юзага кела бошлади. Улардан юқори ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган майдаловчи машиналар, навларга ажратувчи ва элакловчи механизмлардан фойдаланилмоқда.

### **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ**

#### **1-Мавзу:Дон захираси зааркунандалари турлари билан танишиш, доннинг зааркунандалар билан зааррланганлигини аниқлаш усуллари (2-соат).**

##### **Режа**

1. Дон зааркунандалари турлари.
2. Донни омбор зааркунандалари билан зааррланганлигини аниқлаш.

Доннинг омбор зааркунандалари билан зааррланиши деб дон уюмида дон жамғармаларининг тирик зааркунандалари мавжуд-лигига тушунилади. Омбор зааркунандаларига донни сақлаш даврида зарар келтирадиган кана ва ҳашаротлар киради. Ҳар қайси дон тўпламини баҳолашда таъсирланиш асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Зааркунандалар халқ хўёжалигига жуда катта зарар келтиради. Улар кўп миқдорда донни ёъқ қиласи, ўз жасадлари, пўст ташлагандан кейинги териси ва ахлатлари билан ифлослайди.

Зааркунандалардан кўпчилиги уруғ донларининг мағзини кемириб, униш сифатини пасайтиради, хирмоннинг баъзи жойла-рида зааркунандаларнинг тўпланиши доннинг ҳарорат ва намлигини кўтарилишига сабаб бўлади ҳамда микроорганизмлар ва ўз-ўзидан қизиш жараёни учун қулай шароит яратади.

Зааркунандалар ҳашаротлар, кемирувчилар, күшлар ва каналарга бўлинади. Шулардан энг асосийси ҳашаротлар ва каналардир.

### **Кўчма машғулот мазмуни.**

Бу фан бўйича кўчма машғулот назарда тутилмаган

## **Мустақил таълим мавзулари**

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишилаш йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларидан дидактик материаллар тайёрлаш йўллари
2. Дон маҳсулотларини қайта ишилашда замонавий технологиялари
3. Бойитилган ун навлари ишлаб чиқариш технологияси, уни бойитишда қўлланиладиган қўшимча хом ашёлар, бойитилган уннинг аҳамияти ва ишлатилиши.
4. Технологик омилларнинг дон маҳсулотлари сифатига таъсири. Донга гидротермик ишлов бериш тартиби.
5. Ёрма турлари ва уларни замонавий усулда ишлаб чиқариш технологияси.
6. Сабзавот ва меваларни сақлаш даврида рўй берадиган физиологик жараёнлар.
7. Мева, узум ва сабзавотларни бошқариладиган газ муҳити шароитида сақлаш.
8. Сабзавот ва меваларни совутгич омборларда сақлаш.
9. Мева-сабзавотларни қайта ишилашга қаратилган сўнги йиллардаги ислоҳотлар
10. Узумдан тиндирилган шарбат олиш технологияси.
11. Бехидан шарбат олиш технологияси.
12. Сабзавотларни сиркалаш технологияси.
13. Сабзавотларни микробиологик усулда консервалаш технологияси
14. Қовунни қуритиш технологияси.
15. Мева-сабзавотларни тезкор-сунъий усулларда қуритиш технологияси.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъдод, сиёсат, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов.Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишилаш—давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
8. «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Ҳалқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
9. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамоилилар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
- 10.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
- 11.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
12. Бўриев Х.Ч, Жўраев Р., Алимов О. Дон маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлов бериш. Амалий машгулотлар. – Т.: 2002.
13. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р., Алимов О. Дала экинлари маҳсулотларини сақлаш ва уларга дастлабки ишлов бериш. – Т.: УзМЭ, 2004.
14. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р., Алимов О. Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишилаш. – Т.: Мехнат, 1997.
15. Мирхаликов Т.Т., Айходжаева Н.К., Сайдхўжаева М., Абдиқаюмов З.А. Дон ва дон маҳсулотларини сақлаш. – Т.: Мехнат, 2004.
16. Турсунхўжаев Т.Л. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишилаш технологияси. - Т., 2006.
17. Хайтов Р.А. ва бошқалар. Дон ва дон маҳсулотларини сифатини баҳолаш ҳамда назорат қилиш. – Т.: Ўзбекитон, 2000.
18. Шаумаров Х.Б. Исламов С.Я. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишилаш технологияси. Тошкент, 2011.

## МАЛЬЗА

### Дон маҳсулотларини сақлаш технологияси Режа:

1. Дон маҳсулотларини сақлашдаги асосий масалалар.
2. Донда ўз-ўзидан қизишнинг моҳияти ва унинг келиб-чиқиши шартшароитлари.
3. Дон сақлаш тартиби ва усуллари.

**Таянч сўз ва иборалар:** *Дон, сақлаш, қайта ишилаш, зарарли микроорганизм, қизиши.*

#### **1.Дон маҳсулотларини сақлашдаги асосий масалалар.**

Дон ва дон маҳсулотларини (ун, ёрма, омухта ем)сақлаш бошқа кўпгина товар маҳсулотлари сингари мураккаб ва масъулиятли жараён бўлиб, катта миқдорда моддий-техникавий база ҳамда соҳа учун малакали мутахассисларни талаб этади.

Дон ва дон маҳсулотлари уюмининг физиологик ва физик-кимёвий хусусиятлари уни сақлашда қийинчиликлар туғдиради.

Дон тирик организм бўлиб, дон муассасасида турли туман ҳаётий жараёнлар кечади. Бу жараёнларнинг интенсивлиги атроф-муҳит шароитларига боғлиқ. Маҳсулот уюмида кечадиган жараёнлар моддаларнинг фаол алмашинувчи маҳсулот уюмининг етарлича ёъқолишига ҳамда унинг сифат кўрсаткичлари тушишига олиб келади.

Дон ва дон маҳсулотлари уюмида микроорганизмлар ҳамда заракунанда ҳашаротларнинг фаолиятини сақлашда айниқса қийинчиликлар туғдиради. Ун ва ёрма каби маҳсулотларда мазкур организмларнинг ривожланиши маҳсулотнинг кўплаб ёъқолишига, сифат кўрсаткичларининг пасайишига, ҳаттоқи маҳсулотнинг бутунлай бузилишига олиб келиши мумкин.

Маҳсулотлар сифаиз ҳамда қониқарсиз шароитларда сақланганда кушлар ҳамда сичқон-каламушлар томонидан ифлосланиб кетади.

Дон ва дон маҳсулотларини сақлаш соҳасида қўйидаги масалаларни ҳал этиш муҳим вазифалардан биридир.

Биринчи масала - маҳсулотни исрофсиз сақлашга эришиш ёки маҳсулот камайишини мумкин қадар қисқартиришга эришиш.

Иккинчи масала – дон маҳсулотларини сифатини пасайтирмасдан сақлаш. Сақлаш амалиётида дон маҳсулотлари ва уруғ сифатининг пасайиши ҳолатлари сақлаш жараёнини нотўғри ташкил этиш ва бу маҳсулотларни сақлаш давомида етарлича назорат қилмаслик оқибатида келиб чиқади. Бу муддатдан ўтиб кетгандан кейин маҳсулот сифати ва истеъмоллик қиймати пасая боради. Масалан кўпгина ун ва ёрмаларда иккинчи ва учинчи йилда сифатининг кескин пасайишини кузатиш мумкин. Уруғлик донлар эса учинчи ва тўртинчи йили унувчанлик қобилиятини ёъқотади.

Учинчи масала-сақлаш мобайнида дон маҳсулотлари сифатини ошириш.

Дон маҳсулотларининг сифатли сақланиши энг аввало уларни етиштириш омилларига боғлиқ. Яхши агротехникада етиштирилган, тўла пишган тўлиқ донлар сифатли сақланади. Бундан ташқари дон маҳсулотларининг сифатли сақланишини таъминлаш учун уларга сақлашга жойлаштиришдан олдин ишлов берилади. Бунинг учун дон барча турдаги аралашмалардан тозаланади. Дон ва дон маҳсулотлари намлиги давлат стандартида белгиланган кўрсаткичга келтирилади. Дон ва дон маҳсулотларини сақлашда белгиланган аниқ режимларни тадбиқ этиш ҳамда замонавий илгор технологияларни жорий этиш ҳам маҳсулотларнинг сифатини сақланиши гаровидир.

Тўртингчи масала мумкин қадар оз меҳнат ва моддий маблағлар сарфлаб юқори натижаларга эришиш, яъни маҳсулот исрофини камайтириш, ҳамда сифатини оширишга эришиш.

Кўпгина амалий тажрибалар шуни кўрсатадики ишлаб чиқариш самарадорлигини қўйидаги усуллар билан ошириш мумкин:

- маҳсулот сақланадиган иншоотларни тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш;
- сақлашга жойлаштиришдан олдин маҳсулот сифатини изчил назорат қилиш ва уларга ишлов бериш;
- соҳа мутахассисларининг малакаларини мунтазам ошириб бориш;
- замонавий илгор технологияларни жорий этиш;
- ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш ва маҳсулотдан рационал фойдаланиш.

Дон ва дон маҳсулотларининг сифатли сақланишини таъминлаш мақсадида Республикаиз дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида қўйидаги технологик тадбирлар ёълга кўйилган.

**а). Дон ўюмини барча турдаги аралашмалардан тозалаш.** Дон қанчалик тоза бўлса унинг сақланиши ҳам, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифати ҳам шунчалик юқори бўлади. Тозалик дон сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан биридир. Донни тозалаш учун дон корхоналарида турли ҳажмли ва ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган дон тозаловчи ускуналардан фойдаланилади.

**б). Донни қуритиш.** Дон қуритишда намлик шунда кўрсатгичга олиб келинадики, бу намликда дон узоқ ва сифатли сақланиши лозим. Куритиш учун корхоналар маҳсус қуритиш ускуналари билан таъминланади.

**с). Совутиш режимларини қўллаш.** Дон ва дон маҳсулотларининг сифатли сақланиши кўп жихатдан ҳаво режимига боғлиқ. Маҳсулот сақланадиган иншоотлар табиий шамоллатилиши, вентиляция ёрдамида совутилиши мумкин.

**д). Маҳсулотларни заарли микроорганизм ва заараркунанда ҳашарот ҳамда кемирувчилардан ҳимоялаш.** Бу жараён анча мураккаб ҳисобланади. Маҳсулотларни бу таъсирлардан ҳимоялаш учун иншоотлар дезинфексия қилинади, кимёвий препаратлар қўлланилади.

**и). Соҳа кадрлари малакасини мунтазам ошириш.** Юқоридаги барча масалаларни ҳал этиш соҳасида фаолият кўрсатаётган кадрларнинг малакасига

кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун бўлгуси мутахассис дон, ун, ёрма ва омухта ем сақлаш юзасидан чуқур назарий ва амалий билимга эга бўлиши лозим.

## **2. Ўз-ўзидан қизишнинг моҳияти ва унинг келиб-чиқиши шарт-шароитлари.**

Дон уюмида физиологик жараёнларнинг бориши ҳамда қуи иссиқ ўтказувчанлик оқибатида унда ҳароратнинг кўтарилиб кетиши ўз-ўзидан қизиш деб аталади. Ўз-ўзидан қизиш дон массасида турли-туман омиллар таъсирида юзага келади. Донларнинг жадал нафас олиши натижасида ҳамда ёввойи ўсимликларнинг уруғлари, микроорганизм, ҳашарот ва каналардан ажраладиган иссиқлик донда иссиқликни ёмон ўтказиши сабабли ушланиб келади. Натижада шу нуктадан бошлаб қизиш бошланади. Ўз-ўзидан қизиш бошланганда дастлаб дон массасининг баъзи қисмларида, сўнгра унинг барча қисмларида ҳарорат 55-65С гача кўтарилади.

Дон уюмларида ўз-ўзидан қизиш жараёнининг ривожланиш тезлиги хилма-хил бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда жараён бошлангандан бир неча кун ўтгач, баъзида эса жуда узоқ даврдан кейин 50С ҳарорат юзага келади. Қизишдаги бундай фарқ жуда кўп сабабларга боғлиқ бўлиб уларни уч гурухга бўлиши мумкин: дон уюмининг ҳолати; омборларнинг ҳолати ва конструксияси: дон уюмларининг сақланиш шароити ва уларни кузатиш усууллари.

Дон уюмини ишлаб чиқариш шароитида омборлар ва элеваторларда сақлашдаги кўп сонли кузатишлар шуни кўрсатадики, ўз-ўзидан қизиш жараёни қатъий белги-ланган қонуният асосида юзага келади. Дон уюмида учрайдиган барча турдаги ўз-ўзидан қизиш жараёнини З гурухга ажратиш мумкин: уяли, қатламли ва ялпи.

**Уяли ўз-ўзидан қизиши** - дон уюмининг исталган қисмida юзага келиши мумкин. Бунда жараённинг ривожланишига қўйидаги сабаблардан бири дастлабки шарт – шароит бўлиб хизмат қиласи: томларнинг шикастланганлиги ёки омбор деворларининг яхши ҳимояланмаганлиги оқибатида дон уюмининг баъзи жойларининг намланиб қолиши; бир омборга турли намлиқдаги донларни жойлаштириш ва оқибатда юқори намлиқка эга бўлган ўчокларнинг (уялар) вужудга келиши; аралашмалар таркиби жиҳатидан кескин фарқ қилувчи дон уюмларини жойлаштириш оқибатида уюмда катта миқдордаги аралашмалар ва чангли (бунга боғлиқ ҳолда микроорганизмлар ҳам) жойларнинг ҳосил бўлиши; қатламнинг бирор жойида ҳашоратлар ва каналарнинг кўплаб тўпланиши.

**Қатламли ўз-ўзидан қизиши** - жараёни дон уюмларини омборхоналарда, элеваторларда, шунингдек хирмонларда сақланганда келиб чиқади. Ўз-ўзидан қизишнинг бундай кўриниши қатламли деб аталишига сабаб, сақланаётган дон уюмларида қизиш вертикал ёки горизонтал қатлам кўринишда юзага келади. Ғизиётган қатлам уюмнинг қайси қисмida пайдо бўлганлигига боғлиқ ҳола ўз-ўзидан қизиш юқориги пастги ёки вертикал қатламли турларга ажратилади

**Пастки ўз-ўзидан қизиши** – омборхона, силос ёки хирмонларда сақланаётган дон уюмининг қуи қисмларида (сатҳ ёки силос тубидан 20 – 50

см юқорида) горизонтал қатlam кўринишида ривожланади. Бу қатlamли ўз-ўзидан қизишнинг хавфли кўринишларидан бири бўлиб, унда қизий бошлаган куйи қатlamларда ҳосил бўлган юқори ҳарорат юқорида жойлашган қатlamларга осон узатилади ва қисқа муддат ичida дон уюми бутунлай ўз-ўзидан қизиб қолиши мумкин.

**Вертикал қатlamли ўз-ўзидан қизиш** силосларда сақланадиган дон уюmlари учун ҳосдир, бироқ у омборхоналарда ҳам учраши мумкин. Унинг асосий сабаби омборхона деворининг бир текисда исимаганлиги ёки совимаганлиги бўлиши мумкин, масалан, қуёш таъсирида силоснинг бир томони исиши ёки туташган қўшни силослардан деворлар орқали иссиқликнинг узатилиши.

**Ялни ўз-ўзидан қизиши** - ўз-ўзидан қизишнинг шундай кўринишики, бунда, қатъий чегаралангандан ён қисмларидан ташқари дон уюми бутунлай қизиб қолади.

**Дон уюмининг ҳолати.** Барча шароит ва кўрсаткичлар ичida характеристиси ҳисобланади айниқса қизиш жараёнининг жадаллигига унинг намлиги, ҳарорати физиологик фаоллиги ва микрофлораси таркиби катта таъсир кўрсатади.

Дон массасида капилляр намлик кам бўлиши (сув бугларининг конденсацияси) қизиш интенсивлигига катта таъсир кўрсатади. Дон массасида эркин сув қанча мўл бўлса, ўз-ўзидан қизиш шунча интенсив тарзда юзага келади.

Ўз-ўзидан қизиш жараёнининг намлика боғликлиги Ламур, Клейтон ва Вренчел тажрибалари маълумотида яққол кўришимиз мумкин.(1 жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, 16.1 % намлика дон массасида ўз-ўзидан қизиш рўй бермаган ва дон сифатини сақлаб қолган. 18.1% намлика дон астасекин қизиган ва унда могор замбуруғлари ривожланган. Юқори намлика эса ўз-ўзидан қизиш жадал амалга ошган.

### 1 жадвал.

#### Турли намлика буғдой дон уюмида ўз-ўзидан қизиш жараёнининг ривожланиши.

Тажриба давомийлиги, кун	Хароратнинг турли намлика (%) ўзгариши, С			
	16.1	18.1	19.5	21.5
0	23.7	23.2	24.0	23.8
4	20.2	21.1	21.4	26.0
5	20.5	22.0	22.7	29.0
7	21.2	23.0	28.2	36.0
9	22.0	24.5	35.5	44.5
11	22.5	26.0	39.0	43.0
16	24.0	31.0	44.7	44.0
18	24.4	30.7	43.3	41.6
19	24.2	30.2	42.6	41.3
Доннинг тажриба якунидаги ҳолати	Соғлом кўриниш, енгил омбор хиди.	Яққол сезилувчии могор хиди	Яққол ифодаланган изизидан қизиш ва бузилганлиги	

Дон массасининг ўз-ўзидан қизиши намлик билан бир қаторда ҳароратга ҳам боғлиқ. Тажрибалардан шу нарса аниқланганки, 10-15С ҳароратда ўз-ўзидан қизиш жуда ҳам секин ривожланади. 8-10С дан паст ҳароратда дон массаси деярли қизимайди. Ўз-ўзидан қизиш асосан юқори ҳароратда рўй беради. 23-25С ҳароратда ўз-ўзидан қизиш бир неча маротаба ортади ва тезда дон ҳарорати 50-55С га етади.

Кейин ҳарорат аста-секин атроф муҳит ҳароратигача пасаяди, лекин дон бутунлай яроқсиз холга келади ва уруғ, озиқ-овқат ҳамда чорва мақсадлари учун ярамай қолади.

Кўпгина тажрибалардан шу нарса маълум бўлдики, микроорганизмлар фаолияти ҳам ўз-ўзидан қизишни юзага чиқаради. Бунда жараён қуидагича кечади:

- жараён бошланиши- микроорганизмлар жадал кўпаяди, айниқса эпифит бактериялар ва моғор замбуруғлари;

- жараённинг ривожланиши (ҳароратнинг 25-40С гача кўтарилиши) микроорганизмлар сонининг давомли суратда ортиб бориши, моғор замбуруғлари ва актиномицетларни ривожланиши, эпифит микрофлорани кескин қисқариши;

- жараённинг узок давом этиши (ҳароратнинг 40-50Сдан юқори даражага кўтарилиши)-епифит микроорганизмларнинг бутунлай ёъқолиши, моғор замбуруғлари сонинин қисқариши, кокклар ва спорали термофил бактерияларнинг тўпланиши, дон уюмидаги микроорганизмлар умумий сонининг камаши;

- жараённинг охирги босқичи - микроорганизмлар сонининг қисқариши.

**Дон уюмининг ўз-ўзидан қизишида микроорганизмларнинг ўрни.** Ўз-ўзидан қизиш жараёнининг вужудга келишини ўрганиш дон уюмida иссиқлик хосил бўлишида микроорганизмларнинг ўрни тўғрисида икки хил қарама – қарши фаразларни юзага келтиради. Бу эса ўз-ўзидан қизишни келтириб чиқарувчи икки хил назариянинг асосланишига сабаб бўлди: ферментатив (ензиматик) ва микробиологик.

Биринчи назарияга мувофиқ, ўз-ўзидан қизишни келтириб чиқарувчи бошланғич сабаб донда ферментлар тизимишни фаоллиги натижасида кечадиган ҳаётий жараёнлар ҳисобланади. Мазкур назария бўйича микроорганизмлар фақатгина бу жараённинг ривожланишига ёрдам беради холос.

Иккинчи назария тарафдорлари эса ўз-ўзидан қизишнинг хосил бўлишида микроорганизмлар бош ролни ўйнайди деб ҳисоблашади.

Ўз-ўзидан қизиш жараёни аввалида фақатгина моғор замбуруғлари кўпайиб қолмай, балки турларининг алмашиниши кузатилади. Алмашиниш ҳарорат ва намлика боғлиқ бўлиб, жараён аввалида Алтернария, сладоспориум замбуруғлари ривожланади, сўнгра уларнинг ўрнини Аспергиллус ва Пенициллиум эгаллади.

Омборларнинг ҳолати ва унинг тузилиши. Ўз-ўзидан қизиш жараёнига

омборхонанинг гидролизоляцияланганлиги даражаси, иссиқлик ўтказувчанлиги ва конструктив элементлари, ҳаво сиркуляцияси ва бошқаларга ҳам боғлиқ.

Омборхона қанчалик яхши гидроизоляцияланган, шунингдек иссиқлик ўтказувчанлиги паст девор, пол ва томга эга бўлса, унда ҳаво муҳитини бошқариш шунча яхши бўлади ва натижада ўз-ўзидан қизиш кам бўлади (1-расм).

Деворлар том ва полнинг яхши изоляцияланмаганлиги донга қўшимча намлик кириб келишини таъминлайди, донда ўз-ўзидан қизиш юзага келади.

Дон массасини назоратиз қайта ишилашдан ўтказиш ҳам қизишни юзага келтириши мумкин.Хар қандай қизиш жараёни ҳаттоки дастлабки қизиш босқичи ҳам донда қуруқ моддаларнинг ёъқолишига ва сифатининг тушишига олиб келади. Қуруғ моддалар ёъқолиши ва сифатининг тушиши даражаси ўз-ўзидан қизишининг сўнги ҳарорати ва доннинг қизиш ҳолатида қанча вақт қолганлигига боғлиқ.

### **3.Дон сақлаш режимлари ва турлари.**

Дон массаси ун, ёрма ва омухта емни сақлаш мураккаб жараён бўлиб, уларни сақлаш ўзига хос хусусиятларга асосланган сақлашни муваффақиятли ташкил этишда дон уюми, ун, ёрма ва омухта емнинг ҳар бирини алоҳида хусусияти ва аҳамиятини чуқур ўрганиш лозим. Юқоридаги маҳсулотларни сақлаш обйекти сифатида ўрганилиши лозим бўлган уларнинг сақланиши ва ҳолатига таъсир этувчи омиллар қўйидагилар ҳисобланади:

Сақланадиган маҳсулотнинг дастлабки ҳолати, маҳсулот намлиги ҳарорат , газ алмашинуви ва б.

Дон массаси, ун, ёрма ва омухта емни сақлашда кўпинча қўйидаги сақлаш тартиблари қўлланилади:

- ⇒ маҳсулотларни қуруқ ҳолда сақлаш;
- ⇒ совутилган ҳолда сақлаш;
- ⇒ ҳавосиз жойда сақлаш;



**1-расм Дон сақланадиган замонавий омборлар**

Маҳсулотларни сақлашда унинг барқарорлигини ошириш учун сақлаш

тартибиға зарурий равищда қўшимча ёрдамчи тадбирлар қўлланилади. Буларга маҳсулотларни сақлашга жойлаштиришдан аввал бегона аралашмалардан тозалаш, фаол шамоллатиш, кимёвий моддалар билан консервалаш, заракунандаларга қарши курашиш, комплекс оператив тадбирларга риоя қилиш ва бошқалар киради.

Маҳсулотларни қанча муддатгача сақлаш имкониятини билиш жуда муҳимdir. Сақланиш муддатлари фақатгина маҳсулот турига қараб эмас, балки фойдаланиш соҳасига қараб хам фарқ қиласди. Маҳсулотнинг истеъмолга яроқли бўлган умуман олганда талаб этиладиган барча истеъмол қийматини (озиқ – овқат, технологик, ем-хашак ва б) сақланиши даври маҳсулотнинг сақланиш муддати дейилади.

Маҳсулотнинг сақланиш муддати кўпгина омилларга, жумладан, маҳсулот турига, ишлов бериш даражасига, сақлаш усули ва режимларига ва бошқа кўпгина омилларга боғлиқ.

Дон массаси ун, ёрма ва омухта емлар турли усулларда сақланади. Куйида сақлашнинг асосий усуллари билан танишиб ўтамиш.

**Дон массасини қуруқ ҳолатда сақлаш.** Бу усул сақлашнинг энг сифатли усулларидан ҳисобланади. Дон массаси танг яъни критик намлқдан паст ҳолда сақланганда дон таркибидаги модда алмашинуви, нафас олиш ва бошқа барча физиологик жараёнлар кескин пасаяди. Дон массаси бундай усулда сақланганда барча хўжалик белгилари узоқ вақт тўлиқ сақланади.

Дон массаси яхши тозаланиб, ташқи шароит омилларидан яхши муҳофаза қилинган сақланса уларни омборларда 4-5 йилгача, хирмонларда 2-3 йилгача ҳеч қандай қўшимча ишлов бермасдан сақлаш мумкин. Дон уюми қуруғ ҳолда сақланганда доимо кузатув ишларини олиб бориш лозим. Чунки қулай шароит тугилиши билан микроорганизмлар ва зааркунандаларнинг фаолияти кучайиши ҳамда дон ўз-ўзидан қизиши мумкин. Бунда ҳавонинг нисбий намлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Дон ва дуккакли донлар намлиги 12-14 % бўлганда омборларда узоқ вақт сақланиши мумкин. Мойли экинлар дони таркибидаги майнинг миқдорига боғлиқ ҳолда намлиги 6-11 % бўлганда яхши сақланади.

Ун, ёрма ва омухта ем маҳсулотларини ҳам қуруғ ҳолатда сақлаш яхши натижалар беради. Чунки юқори намлик бу маҳсулотлар учун жиддий хавф туқдиради. Намлик ортиши билан маҳсулотларда жипсласиши, микроорганизмлар фаол ривожланиши, ачиши, моғорлаши ва бошқа нохуш ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Маҳсулотларни совутилган ҳолатда сақлаш. Дон массаси, ун, ёрма ва омухта ем маҳсулотларини совук ҳолда сақлаш термоанабиоз қонун-қоидаларига асосланган. Бу усулда маҳсулотлар ҳаво ҳарорати пасайтирилган муҳитда сақланади.

Ҳароратнинг пасайиши микроорганизмлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, маҳсулот уюмидаги биокимёвий ва физиологик жараёнларнинг кечишини пасайтиради ёки умуман тўхтатиб қўяди. Маҳсулот уюмини биринчи даражали совутилган ҳолда сақлаш деб ҳамма қатламларда ҳавонинг

ҳарорати 10С дан пастда бўлиши тушунилади. Иккинчи даражаси совутилган ҳавода уюмларнинг ҳамма қатламлари 0С дан паст ҳароратда бўлади. Яқин кунларгача маҳсулотларни совуқ ҳолда сақлашда табиий ҳаво ҳарорати иқтисодий жиҳатдан ижобий баҳоланиб келган. Ҳозирги вақтда совутиш ускуналаридан фойдаланиб, сунъий совутилган ҳаво қўлланилмоқда. Бу эса маҳсулот уюмини тез совутиш имконини беради.

Пировардида микроорганизмлар фаолияти кескин чегараланади ва маҳсулот исрофи камаяди. Табиий совуқлардан оқилона фойдаланиш сақлаш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини оширади.

Бунинг учун қишки совуқлар тугаб, ёзги иссиқ кунлар бошланиши олдидан қўшимча тадбирий чоралар амалга оширилади. Бунинг учун иссиқ кунлар бошланиши билан омборхона, эшик, ойна ва шамоллатиш мосламани зичлаб танишиб ўтганимиздек юқори ҳарорат ун ва ёрмада салбий ҳолатларни юзага келтириши мумкин. Жумладан юқори ҳароратда микроорганизмлар тез ривожланади. Унда аччиқланиш, нордонланиш, ўз-ўзидан қизиш ҳолатлари кузатилади.

Маҳсулотларни ҳавосиз муҳитда сақлаш. Бу усул қўпроқ дон уюмида қўлланиллади. Бу усулда сақланганда дон оралиқларида кислороднинг ёъқлиги сабабли, нафас олиш сусаяди, микроорганизмлар фаолияти тўхтайди.

Кислородга муҳтоҷлик сезган кана ва ҳашаротларнинг ҳам ривожланиши учун шароит ёъқолади. Натижада дон уюмининг исрофи кескин қисқаради. Кислородсиз муҳитда намлик танг (критик) даражага етмаса дон уюмининг ем-ҳашак (фураж) ва технологик сифатлари яхши сақланиб қолади.

Дон уюмларини сақлашда кислородсиз муҳитни ҳосил қилишнинг куйидаги усуллари мавжуд:

- маҳсулот уюмидаги турли тирик организмларнинг нафас олиши оқибати ва кислороднинг сарфланиши ва ўз-ўзидан
- карбонат-ангидрид газини табиий тўпланишига олиб келиш орқали ;
- дон уюмига азот, карбонат ангидрид ва бошқа маҳсус газларни киритиш орқали;
- дон оралиқларидаги бўшлиқдан ҳавони мажбурий сиқиб чиқариш орқали;
- дон уюмида вакуум барпо қилиш (ҳавони сўриб олиш) орқали амалга оширилади;

Кислородсиз муҳитни ҳосил қилишда кўпинча биринчи усулдан фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда кўплаб дон уюмларини ер остида кислородсиз муҳитни ҳосил қилиш ёъли билан сақлаш кенг қўлланилмоқда.

### **Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари**

1. Доннинг физик хоссаларига нималар киради?
2. Сочилувчанлик деганда нима тушунасиз?
3. Доннинг ўз-ўзидан сараланишига тушунча беринг?
4. Доннинг ғовоклиги деганда нима тушунасиз?
5. Доннинг таркибий компонентлари деганда нимани тушунасиз?

## **Донни қайта ишилаш асослари Режа:**

- 1.Ун чиқиши миқдори ва навлари.
- 2.Янчиш турлари.
- 3.Янчиш туркumlари (классификацияси)

**Таянч сўз ва иборалар:** ун, классификация, янчиши, энтолейторлар.

### **1 Ун чиқиши миқдори ва навлари**

. Ун ишлаб чиқариш энг қадимги соҳа ҳисобланади. Даставвал оддий тошлар, сўнг тошдан ясалган ўғир ва ховончада донни майдалаш амалга оширилган. Кейинчалик ҳайвон, шамол ёки сув кучидан фойдаланиб, махсус тайёрланган иккита яssi тош ёрдамида донни майдалаб тегирмонда ун олинган. Тегирмон тошларига эга бўлган кичик корхоналар билан бир қаторда, буғ ва сув ҳамда электр қувватига асосланган заводлар юзага кела бошлади. Улардан юқори ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган майдаловчи машиналар, навларга ажратувчи ва элакловчи механизмлардан фойдаланилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ун заводлари ёки комбинатлари давлат тегирмонлари бўлиб, уларнинг хар бири бир кеча-кундузда 250-500 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга. Давлат амалда аҳолини ун ва ёпилган нон билан бутунлай таъминлар эди. Ҳозирги бозор иқти-садиётига ўтиш даврида нон ёпишнинг деярли учдан бир қисми хусусийлаштирилган ўрта ва кичик корхона (нонвойхоналар) зиммасига тушмоқда. Давлат ун саноатининг ривожланиши билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида илгари мавжуд бўлган ва бир кеча-кундузда бир неча тоннагача ун ишлаб чиқарадиган тегирмонлар деярли ёъқолиб кетди.

Дон майдалангандан сўнг олинадиган тўқ рангли ундан ёпиладиган нон ҳам шу тусда бўлади. Чунки бундай майдалангандоннинг барча қисмлари қатори унинг тўқ рангли пўстлари ҳам унга ўтади. Агар ун элақдан ўтказилса анча оқаради, аммо бари-бир унда пўст қолдиқлари борлигидан далолат беради.

Оқ ун олиш учун унни фақат эндоспермдан ажратиб олиш зарур, яъни майдалаш жараёнида имконияти борича пўстлоғни ажратиб билиш зарур. Бунга доннинг турли қисмларини хар хил пишиқликдагилигини унутмай, эндоспермни мўртаги ва пўстлоғини ҳамда пўстини пишиқлигини ҳисобга олган ҳолда эришиши мумкин. Шунинг учун пўстлоғни эндоспермдан ажратиб олишга донни майдалаш билан эришиб бўлмайди. Фақат аста-секин ва механик таъсир этиш ёъли билан пўстлоғни йирик ҳолда сақлаб ҳамда мавжуд эндоспермни қисмларга бўлиб ажратиб олиш мумкин

Ендосперм чегарасидаги дон қисмларининг пишиқлигини ҳисобга олган ҳолда, яъни қисмларни майдалаш ва навларга ажратиш жараёнини тўғри ёълга қўйиб эндоспермнинг турли қисмларидан сифатли ун олиш мумкин. Бу маҳсулот дон таркибидаги моддаларнинг нотекис тарқа-лишига, кимёвий

таркиби, хусусиятлари ва озиқ-овқат сифатига қараб фарқ қиласиди. Шуларга асосланиб, ун заводларида бир неча ун тортиш усуллари қўлланиб, унинг чиқиши миқдори ва навлари белгиланади.

## **2.Янчиш турлари.**

Донни янчиш натижасида олинган маҳсулот унни чиқиши миқдори дейилади. Уннинг чиқиши қайта ишланган миқдорига нисбатан фоиз билан белгиланади. Барча дон унга айлантирилганда у 100% ёки амалда 99,5% бўлиши мумкин. Аммо бу уннинг сифатида бир қатор нуқсонлар: ғарчиллаш, ўзгарган таъм, хунук ранг кузатилиши мумкин. Шунинг учун уннинг бундай чиқиши амалда қўлланилмайди.

Бизнинг мамлакатда ўз номига эга бўлган ун навларининг қуий-даги чиқиши фоизлари кузатилади: Буғдой уни 96 фоиз-пўстли (бир навли), 85 фоиз-иккинчи нав (бир навли), 78 фоиз-икки ва уч навли, 75 фоиз уч навли, 73 фоиз-биринчи нав (бир навли). Жавдар уни 95 фоиз-пўстли (бир навли), 87 фоиз-пўсти тозаланган (бир навли), 63 фоиз-еланган (бир навли).

Бундан ташқари, буғдой ва жавдар донлари аралашмасидан бир неча навли унлар олинади. Макарон саноатида пишиқ буғдой навларидан янчилиб, 78 фоиз миқдоридаги йирик ундан юқори, биринчи ва иккинчи навли маҳсулот олинади.

2.Уннинг турли миқдорда чиқиши ва навлари озиқ-овқатга ишлатилиши энгил хазм бўлиши ва таъми билан ажралиб туради. Юқори ва биринчи навли унларнинг оқсил моддалари иккинчи навга нисбатан оз бўлади.

Давлат талабига жавоб берадиган ва этарли миқдорда уннинг чиқишини таъминлайдиган янчишнинг кўплаб машиналар иштироқидаги турли усуллари қўлланади. Шунинг учун дон билан бажарилади-ган жараёнлар ва ишлар йифиндисини ҳамда оралиқда бунёд бўладиган маҳсулотлар олишни янчиш деб аталади.

Янчиш турлари бир маротабали ва кўп маротабали ёки такорий бўлади. Дон майдалаш машинасидан бир марта унга айланиш учун биринчи гурухга киритилган. Бундай машина турларига ўрнатилган тегирмон тошлар ва ховончалар (болға) майдалагичлар таркибида киради.

3. Бир мартали янчишдан сўнг тозалаш натижасида маълум миқдорда пўстли ун олинади. Анча тиник рангли унни қалин элаклар ёрдамида тозалаб олиш мумкин. Такорий янчиш деб, майдаловчи машиналардан бир неча марта ўтказиш ёъли билан олинган ун миқдорига айтилади. Донларга изчил механик таъсир этиш ёъли билан уларни майдалашга эришилади, унда пўстлоққа нисбатан мўрт бўлган эндосперм тезроқ унга айланади.

Бир кеча-кундузда юзлаб, баъзида эса минглаб ва ундан кўп тонна ун ишлаб чиқарадиган ун заводлар дон сақлайдиган иншоат ва элеваторларга, тайёр маҳсулот сақлаш омборхоналарга эга. Уларда ишлаб чиқариш жараёнлари бутунлай механизасиялаштирилган. Донларни тозалаш, майдалаш, маҳсулотларни навларга ажратишда ҳамда уларни қўчиришда ун заводлари жуда кўп электр қуввати сарфлайди, шунинг учун корхона ўзининг

автоном буғ ёки дизел ёқилғи ёрдамида ишлайдиган энергетик хўжалигига эга бўлиши керак бўлади.

### **3.Янчиш туркумлари (классификацияси)**

. Технологик жараён доннинг ўз-ўзидан оқиб келишига асосланиб қурилган. Тегирмоннинг юқори қисмига кўтарилиган дон ёки оралиқ маҳсулотлари механик чўмичлар ёки пневматик транспортёр, тақсимловчи ускуналар ёрдамида ўтказувчи қувурлар орқали бир қават пастдаги машиналарга юборилади. Бунинг учун дон янчиш заводлари машиналар жойлашган, 6-7 қаватли бўлади. Янчишга тайёрланган дон тозаловчи бўлимдан янчиш бўлимига ўтказилади. Айланувчи ва заслонкалардан тўзилган ишчи валкалар донни бир текис тақсимланишига ёрдам беради. Дон ишчи айланаларнинг турли харакат тезлигига қараб улар орасидан ўтади.

Доннинг аста-секин айланиши, таркибидаги эндоспермни майда ёки ун ҳолатига ўтиши бўлиниш жараёни дейилади. Шу жараёнда 4-6 валкали дастгоҳ системалари иштирок этади. Системалар қанчалик кўп бўлса, улар орасидаги бўшлиқ шунчалик торайиб боради. Маҳсулот олиш учун улар тегирмоннинг тўртинчи қаватида жойлашган элак машиналарига юборилади. Маҳсулот валикли дастгохлардан пневматик транспортёр ёрдамида машиналарга ўтказилади.

Йирик ун ва донлар сифатга ажратувчи машиналарга келиб тушади. Бундай машиналар ситовейкалар деб аталиб, янчиш бўлимининг учинчи қаватида жойлашгандир. Таркибида асосан эндосperm бўлган юқори сифатли маҳсулотлар валикли дастгохларга юборилади ва улар қайтадан янчилади.

Янчиш деб аталадиган бу жараён 7-8 усулда амалга оширилади. Баъзида янчишини тезлатиш учун валикли дастгохлардан кейин жойлашган энтолейторлар деб номланувчи қўшимча майдаловчи машиналардан фойдаланилади.

Таркибида пўстлоғ қисмлари бўлган йирик унларни аввал рифелсиз валикли тозаловчи дастгохларга юборилади, сўнг яна ситовейкаларда навларга ажратилади ва эланади. Таркибида пўстлоғ бўлган йирик унларни қайта ишилаш, тозалаш жараёни деб аталади ва бу жараёнда 3-4 валикли системалар иштирок этади. Ситовейкалардан ўтган тайёр маҳсулот омборхоналарга жўнатилади. Бу жараён пайтида 2-3 фоиз манна ёрмаси (крупа) ажратиб олинади. Манна ёрмаси деб йирик унга айтилади.

Елаклардан ўтказилган унга ташқи бирор нарсалар, дон пўсти тушган-тушмаганлигини билиш мақсадида назоратга юборилади. Текшириб эланган унни тарасиз ёки қопларга жойлаб омборга ўтказилади.

5.Уннинг чиқиши ва навлари стандарт билан белгиланиб, бир қатор кўрсатгичларга эгадир:

И. Уннинг чиқиши ва навлари боғлиқ бўлмаган таъриф ва миқдор билан ифодаланадиган кўрсаткичларга, барча унларда ҳам бир хил, қуйидаги талаблар қўйилади: хид, таъм, ғарчилаш, намлик, дон уюмларини заараркунандалар билан таъсирланиши, бегона ва темир қоришмалар

мавжудлиги.

ИИ. Уннинг ҳар хил чиқиши ва навларни белгилайдиган кўрсаткичлар: ранги, кули, янчиш йириклиги, хўл клейковина миқдори ва сифати (охиргиси фақат буғдой унига таълуқлидир).

Уннинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш услублари давлат стандартларида ёритилган. Ундаги хид, таъм, ғарчиллаш тахминан, қолган кўрсаткичлар асбоб ёрдамида аниқланади. Уннинг ранги маҳсус ранг аниқловчи мосламада, намлик қуритиш жавонида, темир аралашмалар маҳсус магнитларда, янчишдаги йириклик элаклар комплектида, куллиги бир қисм унни муфел ўчоғида ёқиши билан аниқланади. Сифат кўрсаткичларини белгилаш, донларни корхоналарга юборишдаги ишларни тўғри ташкил этиш жамоа, фермер, дехкон хўжалик раҳбарлари ва агрономларга жуда катта маъсулият юклайди. Янчишга шундай тўпламларни жўнатиш керакки, улар сифат кўрсаткичлари бўйича давлат стандарт талабига жавоб берсин.

### **Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари**

- 1.Дондан ўртача намуна қандай олинади?
- 2.Доннинг сорбсион хусусиятларига тушунча беринг?
- 3.Доннинг мувозанат намлиги деганда нимани тушунасиз?
- 4.Намлик алмашинув жараёни нима?
- 5.Дон уюмининг иссиқлик физик хусусиятлари нима?

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ**

### **Дон заҳираси зааркунандалари турлари билан танишиш, доннинг зааркунандалар билан зааррланганлигини аниқлаш усуслари Режа**

1. Дон зааркунандалари турлари.
2. Донни омбор зааркунандалари билан зааррланганлигини аниқлаш.

**Таянч сўз ва иборалар:** дон, заракунанда, ун, классификация, янчиш, энтолейторлар.

#### **1. Дон зааркунандалари турлари.**

Сақлашда дон маҳсулотларида учрайдиган зааркунандалар билан танишиш. Талабаларга сақланаётган дондан намуна олиб, зааркунандаларнинг мавжудлигини аниқлашни ўргатиш.

Доннинг омбор зааркунандалари билан зааррланиши деб дон уюмида дон жамғармаларининг тирик зааркунандалари мавжуд-лигига тушунилади. Омбор зааркунандаларига донни сақлаш даврида зарар келтирадиган кана ва ҳашаротлар киради. Ҳар қайси дон тўпламини баҳолашда таъсирланиш асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Зааркунандалар халқ хўжалигига жуда катта зарар келтиради. Улар кўп микдорда донни ёъқ қилади, ўз жасадлари, пўст ташлагандан кейинги териси ва ахлатлари билан ифлослайди.

Зааркунандалардан кўпчилиги уруғ донларининг мағзини кемириб, униш сифатини пасайтиради, хирмоннинг баъзи жойла-рида зааркунандаларнинг тўпланиши доннинг ҳарорат ва намлигини кўтарилишига сабаб бўлади ҳамда микроорганизмлар ва ўз-ўзидан қизиш жараёни учун қулай шароит яратади.

Зааркунандалар ҳашаротлар, кемирувчилар, қушлар ва каналарга бўлинади. Шулардан энг асосийси ҳашаротлар ва каналардир.

**Ҳашаротлар.** Ҳашаротлар умуртқасиз жониворлар ичida дон ва дон маҳсулотлariга энг кўп зарар келтиради. ҳозирги кунда дунё бўйича ҳашаротларнинг миллионлаб турлари мавжуд бўлиб, улар зоология курсида битта синф – Инсеста га бирлаштирилади. Дон захирасига зиён етказадиган зааркунандалар ичida энг салмоқлиси бу ҳашаротлардир. ҳозирги кунда ҳашаротларнинг миллиондан ортиқ тури аниқланган бўлиб, улар барчasi Енсеста синfiga мансубдир.

Ҳашаротлар турли-туман тузилишга, шакл ва катталикка эга. Умуман олганда тузилиши жиҳатдан ҳашаротларни уч қисмга ажратиш мумкин: бош қисми, кўкрак ва қорин қисми. Ҳашаротлар ўзларининг барча хосса хусусиятлари юзасидан синфлар, синфчалар, оилалар ва бошқа бўлимларга ажратилади. Дон захирасининг барча зааркунанда ҳашаротлари қаттиққанотлилар, ёки қўнгизлар ва пардақанотлилар ёки капалаклар гурухига мансубдир.

Маълумки барча ҳашаротлар жинсли ҳисобланади. Уларнинг эркак ва урғочилари бир-биридан катта-кичиклиги, шакли, ранги ва бошқа белгилари

билин яққол ажралиб туради.

Ҳашаротларнинг барчаси тухум қўйиш орқали кўпаяди. Урғочи ҳашаротлар оталангандан сўнг турига боғлиқ ҳолда битта, иккита ёки тўп-тўп қилиб тухум қўяди. Одатда ҳашаротлар тухумини озуқа ичида ёки унга яқин бўлган жойга қўяди, негаки ундан чиққан личинка мана шу озиқ билан овқатланади. Бундан ташқари қўпгина тур ургочи ҳашаротлар тухумларни ташки хавфлардан (ҳарорат, намлиқ, ииртқия ҳашаротлар ва б) сақлаш мақсадида маҳсус суюқлик билан ҳимоялайди ёки дон ичида беркитиб қўяди. Тухумлар ҳашаротларнинг турига боғлиқ ҳолда турли ранг, шакл ва катталикда бўлади.

Шунингдек турли вақт оралигига ундан личинкаси чиқади.

Тухумдан чиққан личинкаларнинг ривожланиши икки хил бўлади: тўлиқ бўлмаган ва тўлиқ. Тўлиқ бўлмаган ривожланишда ҳашаротлар уч босқични босиб утади: тухум, личинка ва етук ҳашарот.

Бунда тухумдан чиққан личинка кўриниши жиҳатдан ота-онасига ўхшаб кетади, фақат унда қанотлар бўлмайди ва шакли кичик бўлади.

Ривожланиши давомида унда аста-секин қанот ҳосил бўлади. Личинкалигининг охирги давридаги пўст ташлаши билан етук ҳашаротга айланади. Бундай кўпаювчи ҳашаротларга

триплслар, дала қандалалари, пичанхўрларни мисол қилиб олиш мумкин.

Ҳашаротларнинг тўлиқ ривожланишида тўртта босқич мавжуд: тухум, личинка, гумбак ва етук ҳашарот. Тухумдан чиққан личинка ота-онасига умуман ўхшамайди, яъничувалчангсимон кўринишда бўлади. Улар ўсиш ва ривожланиш даврида кучли озиқланадилар.

Личинкалигининг охирги даврида ўзига қулай жой қидиришади, чунки гумбакликка ўтиши билан улар ҳаракатдан тўхтайдилар. Кўпгина ҳашаротлар гумбакликка ўтиш даврида ўзларига бошпана ясад оладилар, баъзилари беланчак, баъзилари эса пиллага ўралиб оладилар.

Гумбакликка ўтишда уларнинг танаси кичраяди, кўкрак қисми эса қалинлашуви кузатилади, сўнгра гумбак ичида унинг асосий органлари шакллана бошлайди.

Йетук ҳашаротга айлангач улар ташки қобиқни ёриб чиқади ва тарқалади. Даставвал ғумбакдан чиққан ҳашаротнинг қанотлари ёрқин рангда ва юмшоқ бўлади. Бироз муддат ўтгач қаттиқлашади ва ранги тўқроқ тусга киради.

Кўнгизлар. (қаттиққанотлилар, Солеоптера) Кўнгизларнинг ташки томонида кучли хитинланган қаноти бўлади. Шунинг учун улар қаттиқ қанотли деб аталади. Кўнгизларнинг мана шу қанотида хар-хил дўнгликлар, чуқурчалар, хар-хил доглар, нуқталар, тукчалар ва бошқалар бўлади. Мана шу белгилари, шунингдек шакли, ранги, катталиги ва бошқа белгиларига кўра уларни ажратиш мумкин. Барча кўнгизлар кемирувчи типдаги оғиз аппаратига эга. Кўнгизлар қулай шароитда тез кўпайиш хусусиятига эга. Ургочи қўнгизлар оталангандан кейин дон захирасига, қопларга, ёгочларга ва бошқа жойларга тухум қўядилар. Баъзи турлари дон ичини ковлаб шу ерга тухум қўяди. Тухумдан личинкалар чиқади. Чиққан личинкалар жуда ҳам

озуқахўрлик хусусиятига эга бўлиб, ўзининг ривожланиши даврида кучли озиқланади. Кўпгина қўнгизларнинг личинкалари чувалчангсимон бўлади ва кўкрагида уч жуфт оёқлари бўлади. Личинкаларнинг оқиз аппарати кемириувчи типда бўлиб ва донга катта зиён етказади.

Кўнгизлар донга катта зарап етказади. Улар донни ўсувчи қисмини ҳам зараплаб доннинг унувчанлик даражасини пасайтиради. Шунингдек донни ўзининг экскрементлари гумбаклари, личинкалари ва бошқа чиқиндилари билан ифлослантириб юборади.

Дон захираси қўнгизларининг 100000 дан турлари мавжуд. Уларнинг кенг тарқалган шунингдек дон захирасига кучли зиён етказадиган баъзи бир турлари билан куйида танишиб чиқамиз.

**Узунтумшуқлар (Сурсулионидае).** Бу оиласа кирувчи қўнгизларнинг боши чўзинчоқ трубасимон бўлади. Мана шу узунчоқ қисми тумшуқ деб аталади Уларда мана шу узун тумшуқ бўлганлиги сабабли узун тумшуқлар ёки филчалар деб аталади. Дон захирасида бу турга кирувчи ҳашаротлардан омбор, шоли, маккажўхори узун тумшуқлари кўп учрайди.

Омбор узун тумшуғи (Ситопхилус гранариус Л).Дунёнинг ҳамма жойида тарқалган танасининг узунлиги тумшуғи билан бирга 3-6мм бўлади. Кўпинча унинг личинкаси ва гумбаги ривожланган доннинг катталигига кўра турлича бўлиши мумкин. Тухумдан чиқкан ёш қўнгизча, ёрқин жигарранг тусда бўлади.

Омбор узун тумшуғи ўзига хос шу билан бир қаторда доннинг бузилишига олиб келувчи ҳолатда тухум қўяди. Битта ургочи ҳашарот 50 дан 300 гача қулранг тусли овал шаклда тухум қўяди. Тухумнинг узунлиги 0,6-0,7мм эни 0-3мм бўлади. Ургочи узунтумшуқ буғдой, арпа, жавдар донларига биттадан, ийрик донларга(масалан маккажўхори)2-3 тадан тухум қўяди ва устини тез қотиб қолувчи суюқлик билан беркитиб кетади. Тухумдан чиқкан личинка мана шу доннинг эндосперма билан озиқланади ва шу ернинг ўзида гумбакка айланади. Гумбак босқичи тугагандан сўнг ундан ёш қўнгизча чиқади ва шу доннинг 3-4 кун емай эндоспермнинг қолган қисмларини ҳам еб тугатади. Натижада доннинг фақат пўсти қолади. Сўнгра пўстини ёриб қўнгиз ташқарига чиқиб кетади. Қулай шароитда 25-27С ҳарорат 14% намлиқда. Тухум қўйилгандан ёш қўнгизча чиқканча 28-30 кун керак бўлади. Бу қўнгизлар уруғликдан қочади ва ҳаво оқимини кўтара олмайди. Уларга нисбатан иссиқ жойларга тўпланиб оладилар. Омбор узунтумшуғи одатда буғдой, арпа, шоли жавдар ривожланади.

Сули маккажўхори тариқ ва гречихада кам учрайди жўхори мойли экин донлари, дуккакли донларда умуман учрамайди. Узунтумшуқлар асосан доннинг ички қисмida ривожланганлиги учун уларга қарши кураш қийин хисобланади.

Шоли узунтумшуғи(Ситопхилусорйзае Л). Деярли барча иссиқ иқлими мамлакатларда тарқалган. Тузилиши жиҳатидан омбор узунтумшуғига жуда ўхшаб кетади. Қанотининг устки қисмida сметрик жойлашган 4та қулранг тусли сариқ додлари бор. Тумшуғи омбор узунтумшуғига қараганда нисбатан

ингичкароқ.Омбор узунтумшуҚидан фарқи шундаки унинг ички қаноти яхши ривожланган ва яхши уча олади.

Яшаш фаолияти омбор узунтумшугидан деярли фарқ қилмайди. Ургочиси 300-600 тагача тухум қўяди. Ўрта Осиё шароитида 5 мартағача авлод беради у биринчи марта шолида топилган. Шунинг учун у шоли узунтумшуги деб аталади. Омбор узунтумшуги заарар етказадиган бошқа турли донларга ҳам заарар етказади.

Маккажўхори узунтумшуги (Ситопҳилус Зеа майс моцч).Бу узунтумшук ер юзининг асосан иссиқ иқлими минтақаларида кенг тарқалган. Мамлакатимизда ҳам бу турли ҳашорот учраб туради. Унинг узунлиги 5мм бўлиб яхши уча олади Маккажўхоридан ташқари бошқа донларга ҳам заарар етказади. Тухумини маккажўхорининг донига мум пишиқлик пайтида қўяди. Сут пишиқлик даврида заарар етказади.

Кора танли қўнгизлар (Тенебрионидае). Бу оиласа кирувчи қўнгизлар ун, ёрма ва омухта ем заводларида яшайдилар.ўларнинг танаси одатда қора тусли бўлади. ер шарининг купгина қисмларида кенг тарқалган бўлиб, асосан ун, ёрма ва кепаклар билан озиқланади. Мамалакатимиздан бу оила вакилларининг қуидаги турлари кенг тарқалган катта ун хрумаги ва кичик ун хрумаги

Кичик ун хрумаги (Триболиум сонфусум Дув)

Ун ёрма ва кепакда жуда яхши ривожланади. Бу қўнгиз дон, сухари, нон, куритилган сабзавот ва меваларга кучли зиён етказади.

Кичик ун хрумаги узунчоқ шаклга эга бўлиб ранги тўқ кулранг қўнгир тусли қўкрак қисми тўртбурчак шаклга эга танасининг узунлиги 3-5мм,ени1,2-1,3м бўлади. Тез қўпайиш хусусиятига эга. Ургочиси ўртача 450 тагача тухум қўяди. Тухумдан чиқсан личинкалар дастлаб оқ, сўнгра ривожланиб 1 дан 6-7мм гача катталашади ва ранги саргиш тусга киради. Личинкалари дон ўюмининг юқориги қисмида гумбакка айланади. Қулай шароитда қисқа муддат ичиди (27-35 кун)ўзининг бутун ривожланиш босқичини босиб ўтади ва бир йилда бир неча маротаба авлод бериши мумкин.Қўнгизлар ва личинкалар кўп миқдорда озуқа истеъмол этади.Донда асосан унинг муртаги билан озиқланади.

Катта ун хураги (Тенебрио молитор Л)

Бу ҳашарот дон захирасида учрайдиган қўнқизларининг энг каттаси хисобланади. Тузилиши жихатидан кичик ун хурагига ўхшаб кетади,лекин танасининг узунлиги 13-16 ммгача боради. Ранги қорамтири ёки қора тусда .Яхши уча олади,айниқса кечқурун.

Танаси йирик бўлсада унчалик хавфли эмас.

Бир йилда бир маротаба авлод беради. Иситилмайдиган иншоотларда личинка босқичида қишлийди. Баҳорда май-июн ойларида қўнгизлари чиқади

Ургочиси қисқа вақт ичиди 280-580 тагача тухум қўяди ва ундан тез орада қўпроқ оёқлари яхши ривожланган оқ тусли личинкалари чиқади. Личинкалик даври узоқ давом (йилнинг асосий қисми)етади ва бу даврда 2ммдан 25-30 ммгача катталашади. Ранги ҳам мос ҳолда аввал ёрқин сариқ, сўнгра тўқ сариқ

тусга ўтади.

Личинкалари ўзининг ривожланиши даврида 15 марта гача пўст ташлайди ва унни ифлослантириб юборади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки личинкалар унда бемалол ҳаракатлана олади.

Ун, ёрма ва омухта ем маҳсулотларида юқоридагилардан ташқари мазкур ҳашаротларга тузилиши ва фаолияти жиҳатидан ўхшаш бўлган шохли хрумак (Гнатосерус сорнутус Ф) мўйловдор хрумак (Триболиум састанеум Хербст) каби яна бир қанча кўнгиз турлари учраб туради.

Мугомбирлар (Птинидаe) Бу оиласа киравчи ҳашаротлардан дон захирасида мугомбир ўгри (Птинус тур Л) энг кўп учрайди. Бу ҳашаротларнинг бундай аталишига сабаб, улар ёпиқ иншоотларда тунги ҳаёт фаолиятига эга, шунингдек, қачонки уларни безовта қилинганда (дон ва бошқа маҳсулотлар аралаштирилганда) оёқларини остига йигиштириб олиб, ўлиб қолган сингари ҳаракациз бўлиб олади.

Мугомбир ўгрининг кўнгизи ва личинкалари заҳарли ҳисобланади. Дондан ташқари кўпгина ун маҳсулотларида (сухари, галет, печеніе макарон ва б) пичандади. Куритилган доривор гиёҳларда, тери маҳсулотларида, жунда ва бошқаларда ривожланади. Личинкалари қогозни ҳам кемириб ташлайди.

Хашаротнинг ургочиси ва эркаги танасининг шакли, ранги, мўйловларининг жойлашиши билан бир-биридан кескин фарқ қиласи. Еркагининг танаси нисбатан узун (корин қисми) бўлиб, 2,8-4,3мм келади. Урқочиси эса шарсимон кўринишда бўлиб, танасининг устки қисмida тўртта ёрқин додлари бор. Бу додлар эркагида бўлмайди.

Личинкалари гумбакка айланишда пиллага (беланган) ўралади. Бир авлоднинг тўла ривожланиши учун 3-4 ой керак бўлади.

Бир йилда бир-икки, яхши шароитда тўрт марта гача авлод беради.

Хашарот асосан шимолий минтақаларда учрайди. Канада ва Англия мамлакатларида кенг тарқалган.

Чахлагичлар (Анобиидал) Бу оила вакиллари танасининг қавариқлиги, бошининг копюшонсимон кўкраги билан беркитилгани билан ажралиб туради. Юқори томондан қаралганда бошсиздай кўринади.

Нон чахлагичи (Стегобиум панисеум Л)-кичик ўлчамили кўнғиз (1,8-3,8мм) энг кўп учрайди. Танаси силиндрсимон, кўнғир ёки қизқиши тусда яхши уча олади.

Урғочиси 140 тага тўп-тўп қилиб маҳсулотнинг юза қисмига, деворларига тухум қўяди.

Яхши шароитда бир йилда 4 марта гача авлод беради. Кўнгизи ҳаёти мобайнида умуман озиқланмайди, балки шаклланган вақтида йиғиб олган озиқ моддалар захираси ҳисобига яшайди

Личинкаси ҳаракатчан бўлиб кўпгина маҳсулот ва предметларни (ёгоч, китоб, дон, нон, сухари, галет ва б) кемириб (чахлаб) ташлайди

Кичик бўлишига қарамай (3-5мм) жуда ҳам озуқаҳўр ҳисобланади. Гумбакликка ўтишдан олдин личинкалар маҳсулотнинг майда қисмидан ўзига беланчак ясад олади. Беланчакнинг катталиги 5-10 мм бўлади. Шуни алоҳида

таъкидлаш лозимки чаҳлагич билан заарланган маҳсулот соҚлиқ учун заҳарли ҳисобланади.

Ясситаналилар (Сусужудае) Бу оила вакилларидан энг кўп тарқалгани малла унхўр (Пласонотус тестасеус Ф) ҳисобланади. Асосан ун билан озиқланади. Танасининг узунлиги 1,5-2,5мм. Танасининг шакли,ранги, узун мўйловлари билан осон ажралиб туради. Ҳар хил иқлим минтақаларида учрайди.

Донхўрлар (Бручидае) Донга катта зарар етказувчи оила вакилларидан нўхат донхўри (Бручус писорум Л), чечевичка донхўри(Бручуслентис Фрол)фасол донхўри (Асантхосслидес обтестус Сай) энг кўп тарқалган. Кўнгизлари ва личинкалари дондан ташқари ўсимликни ўсиб турган вақтида ҳам кучли зиён етказади. Донхўрлар асосан дуккакли донларга зарар етказади ва бу донлар экишга ҳам истеъмолга ҳам яроқсиз бўлиб қолади.

Капалаклар (пардақанотлилар Лепидоптера).ҳозирги кунгача дон ва дон маҳсулотларига зарар етказувчи капалакларнинг 80 мингдан ортиқ тuri аниқланган. Капалаклар ҳам қўнғизлар сингари 4 та ривожланиш босқичини босиб ўтади тухум, личинка, гумбак, етук ҳашарот.

Капалаклар қуидаги белгилари билан қўнгизлардан фарқ қиласди: оғиз аппарати сўрувчи типда шунинг учун улар донни емайди, шунингдек ун ва бошқа маҳсулотларни ҳам;қуртлар деб аталувчи личинкаларида уч жуфт кўкрак оёқдан ташқари, 2-4 жуфт қорин оёқлари ҳам мавжуд бўлади. Гумбакни ёпиқ типда. Асосий зарарни уларнинг личинкалари келтириб чиқаради. Дон захираси заракунанда капалакларининг тунлам, парвона ва куя каби оилалари мавжуд. Куйида уларнинг энг кўп тарқалган турлари билан танишиб чиқамиз.

Дон куяси(Ситотода севалелла Олив) капалаги.Кичик ўлчамда (4-6 мм).қаноти (ёзилганда) 11-16 мм.Танаси оқ, қанотлари саргиш-кулранг,уй куясига жуда ўхшаб кетади. Мазкур куя буғдой, арпа, маккажўхори, гречиха, шоли, жавдар ва бошқа ўсимлик донларини омборларга ҳам экин майдонида ҳам заарлайди. Дунё бўйича жуда ҳам заарли ҳашарот ҳисобланади

Уй парвонаси. (Пиролис фариналис Л) Гарчи унинг номи шундай аталсада дон массасида ҳам яхши ривожлана олади.

Капалаги олд қанотларининг ўзига хос ранги билан ажралиб туради. Ўанотининг юқори қисми маликаранг – қўнгир тусда, ўрта қисми тўқ сарик,бу икки хил фонни оқ ёъл ажратиб туради. Қаноти ёзилганда 15-28 мм,қуртлари дастлаб қўнгир кейинчалик оқ тусда бўлади.

Дон тунлами (Ҳадена басилинеа Счифф )Тунламлар оиласига мансуб (Ностуидае)ҳашарот.Ўсимликларга жиддий зарар етказади.

Капалаги йирик (17-20мм) қаноти (ёзилганда) 38-40 мм. Деярли барча тунламлар тунги ҳаёт фаолиятига эга. Курти кулранг-қизгиш тусда, катталиги 20-28 мм.

Мамлакатимизда зааркунанда тунламларнинг 3 мингдан ортиқ тuri аниқланган бўлиб дон ўсимликларига жиддий зарар етказади. Қуртлари донни йифиб олиш пайтида омборларга ҳам тушиб қолади ва донни ифлослантириб

юборади. Қуртлари дон массаси, тупроқ ва бошқа жойларда Қумбакликка ўтади.

Каналар. (Асарина). Каналар ўргимчаксимонлар синфиға мансуб бўлиб, 6000 дан ортиқ тури мавжуд. Уларнинг кўпчилиги ўсимлик ва ҳайвон организми паразитлари ҳисобланади.

Маърузамизни қизиқтирган каналарни ҳаёт тарзи ва заарар келтиришига кўра икки гурухга бўлиш мумкин;

1. Дон маҳсулотлари билан бевосита озиқланувчи.

Бу гурух каналарининг юқориги жаги яхши ривожланган бўлиб, дон билан bemalol озиқлана олади.

2. Фақатгина суюқлик билан озиқланувчи уларнинг оқиз аппарати санчувчи-сўрувчи типда бўлиб, ўсимлик ва ҳайвон организмига ёпишиб олади ва сўра бошлайди.

Сақлашда каналар донга қуйидагича заарар етказиши мумкин;

- дон билан озиқланади
- дон, ун ва ёрмани ўзининг ҳаёт фаолияти чиқиндилари билан (пўсти, екскрементлари, ўлимтиклари) ифлослантиради;
- маҳсулотда ёқимсиз ҳид ҳосил қиласи, ранги ва таъми ўзгаради;
- дон массасида қўшимча иссиқлик ва намлик ҳосил қиласи;
- микроорганизмлар ривожланишига қулай шароит келтириб чиқаради;
- дон муртагини зааралайди ва унишини пасайтиради.

Каналар ўсимликларни экин майдонида ҳам кучли зааралайди. Қуидада кенг тарқалган баъзи турлари билан танишиб чиқамиз.

Омбор каналари (Тироглйпҳидае) Дон массаси, дон, ун, ёрма, сақланадиган иншоотларда унинг қуйидаги турлари кенг тарқалган.

Родионов канаси, ун, тўқ оёқли, узун, ингичка, тукли ва бошқа каналар.

Ун канаси (Асарус сиро ёки Тироглйпхусфаринае

Биринчи марта унда топилган. Ундан ташқари кўпгина донларда (буғдой жавдар) ёрмада, қуритилган сабзавот ва меваларда, доривор гиёхларда, терида, пишлоқда, қуритилган гўшт ва бошқа маҳсулотларда яхши ривожланади.

Танаси овал шаклда, оқиши, боши ва оёқи пушти ёки қизғиш, соччалари қисқа. Танасининг узунлиги 0,35-0,70 мм.

Яхши шароитда (йетарлича намлик ва 20-25C ҳарорат) 14-16 кунда тўлиқ ривожлана олади. Ургочиси 200 тагача тухум қўяди.

Ун канаси донга нисбатан унда ва ёрмада яхши ривожланади. Табиатда кенг тарқалган бўлиб, дон каналари ичидаги энг кўп учрайди.

Родионов канаси (Салоглйпхус Родиониви А.Зачв) катталиги 0,6 –1,2 мм, қизғиши тусли 20% дан кам бўлмаган намлиқда кўпаяди. Иссиқликка талабчан. Иссиқлик ва намлиқка бўлган юқори талаби унинг кўпайишини чегаралаб туради.

Тўқ оёқли кана. (Аленроглйпхус оватус Троуп) Катталиги 0,5-0,7 мм оёқлари ёрқин рангда ажralиб туради. Қорин қисмининг охирида 8та сочи бор. Иссиқталаб, 35C ҳароратда кўплаб тўпланишади.

Узун кана (Тиропхагус путресиентиос Счранк ёки Тиропхагус нохиус

А.Зачв) Узунлиги 0,3-0,4 мм эркак ун канасига ўхшаб кетади танасида сочларининг кўплиги фарқлаб туради. 24-25С ҳароратда яхши ривожланади.

Ингичка кана (Тхайропҳагус энтомопҳагус Лаб) Катталиги 0,3-0,5 мм, сарғиш ёки оқ тусда. Узунлиги энидан 2,2-2,3 марта катта бўлганлигидан ингичка деб номланган.

Донда, унда, дорихона маҳсулотларида, чириган ўсимлик қолдиқларида учрайди.

Тукли кана (Глайсийпҳагидае) Танасида кўп миқдорда ҳар хил туклар билан қопланган бўлади. Бу оиласа кирувчи оддий тукли кана (Глайсийпҳагус деструстор оудс) кенг тарқалган. Катталиги 0,30-0,55мм. 24-25С ҳароратда яхши ривожланади. Ургочиси бутун умри давомида 100 тагача тухум қўяди.

Йиртқич каналар (Чейлетидае). Бу оила вакилларининг танасида боши ва қорин қисмининг ажралганлиги яққол кўриниб туради.

Огиз аппарати санчиб-сўрувчи тилда. Танасининг орқа қисмида тирноқсимон ўсимтали, яхши ривожланган оёқлари мавжуд. Бегона каналар ва майда ҳашаротларга ҳужум қилганда мана шу оёқларидан ўлжани тутиб туришда фойдаланади.

Бу каналар юқоридагиларга нисбатан фарқли ўлароқ кам озиқланади ва секин кўпаяди. Лекин донни ҳар хил ҳаётий чиқиндилар билан ифлослантириб юборади.

## **2.Донни зааркунандалар билан заарланишини аниқлаш.**

У очиқ ва яширин бўлиши мумкин. Заарланишнинг очиқ шаклида дон ўюмида тирик зааркунан-далар топилади, яширинган зааркунандалар эса ўзининг у ёки бу ривожланиш палласида дон ичидан жойлашган бўлади. Зааркунан-далар билан заарланадиган манбалар дала, транспорт воситалари, дон омборлари, инвентар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Дон қабул қилиш манзилларига автомашина ёки вагонларда келтирилган доннинг заарланишини ҳар тўпламдан ажратиб олинган ўртacha дон намуналарини элаш ёъли билан аниқланади. Омборларда тўкма ҳолда сақланаётган донларнинг заарланишини 100 кв. м. майдонли ҳар бир сексиядан ёки хирмоннинг бир қат-ламидан ажратиб олинган ўртacha намунадан аниқланади. Баландлиги 1,5 м дан баланд бўлган хирмондан уч намуна ажратилади: юқори катламнинг юзасидан 10 мм чуқурликда қоқ марказидан ва эр сатҳидан ажратилади. Баландлиги 1,5 м дан паст бўлган хирмондан юқори ва қуий қатламларидан икки намуна ажратилади. Донни зааркунандалар билан заарланиш таҳлили намуна ажратилган куни ўтказилади. Намуналарни таҳлилгача тозаланган, зич қопқоқ билан ёпиладиган шиша бонкаларда сақланади. Ҳар бир намуна алоҳида таҳлил қилинади. Тўпламнинг таъсирланиши ҳар қатлам-дан олинган намуналарнинг ичидаги энг кўп заарланган намунага қараб белгиланади.

Заарланиш даражаси тўғрисида 1 кг дондаги тирик зааркунан-далар миқдорига қараб фикр юритилади. Намуна қўлда думалоқ тешикли (пастдаги элак диаметри 1,5 мм, юқорисидаги 2,5 мм) элакда 2 дақиқа давомида эланади,

яъни ҳар дақиқадаги тезлиги 220 айланада ҳаракат бўлади ёки механизасия усулида бу ҳаракат тезлиги бир дақиқа давомида 150 айланага этади. Диаметри 30 см бўлган элакда дон намунаси бир вақтда эланади.

Ҳарорат  $5^0$  паст бўлса кана ва ҳашаротларнинг ҳаракати қийинлашишини назарда тутиш керак. Шунинг учун уларни тинч холатидан кузгатиш учун элакни  $25-30^\circ$  ҳароратда 10-20 дақиқа давомида илитилади.

Елашдан кейин аввал донни йирик ҳашаротлар билан заарланиши аниқланади (мавритан козявкаси, ун миталари ва бошқа зааркунандалар). Бунинг учун 2,5 мм диаметрли тешикли элакда тўплланган донни ажратадиган тахтага жойланади, уни юпқа қатlam ҳолида текисланади, синчиклаб қўздан кечирилади ва қўлда терилади. Сўнг донни каналар билан заарланиши аниқланади. Шунинг учун 1,5 мм тешикли элакдан ўтган донни юпқа қатlam билан қора ойнали (ёки остига қора қофоз қўйилган ажратиш тахтасига тўкилади) ва лупа (4-4,5 катталикда) ёрдамида кана миқдори аниқланади. Заарланиш даражасини 1 кг донда уларни мавжудлигига асосланиб аниқланади:

И - даража - 1 дан 20 нусхагача; ИИ - даражада - 20 нусхадан ортиқ; ИИИ - даража - каналар ялпи тўқ қатламни ташкил этади.

Донни узунтумшук, унхўр ва бошқа майдага ҳашаротлар билан заарланиш даражасини белгилаш учун 2,5 мм диаметрли тешикли элакдан ўтказилган донни оқ ойнага юпқа қатлам қилиб сочилади, зааркунандалар тури аниқланади ва 1 кг дондаги тирик нусхалар миқдори ҳисобланади. Ўлик зааркунандалар ҳисобга олинмайди.


Елангандан кейин омбор ва шоли узунтумшуғи топилса, уларнинг миқдорига асосланиб 1 кг донда аниқланади.

И-даража – 1 дан 6 нусхагача; ИИ-даражада – 6 дан 10 нусхагача; ИИИ-даражада – 10 дан ортиқ нусха;

*Еслатма.* Диаметри 1,5 мм тешикли элакдан ўтказилган донда узунтумшуклар топилса, уларнинг миқдори ҳисобланади ва 2,5 мм тешикли элакдан ўтган узунтумшуклар миқдорига қўшилади.

Заарланишнинг яширин шакли. Омбор ва шоли узунтумшук-лари ўзларининг тухумчаларини дон ичига қўйиб, уларни дон қисмлари ва сўлак аралашмасидан иборат пўқак билан беркитиб қўяди. Қуролланмаган кўз билан бу пўқакларни топиш жуда қийин (34-расм).

Донни узунтумшук билан яширин заарланишини аниқлаш учун ўртacha намунадан танламасдан 50 та бутун дон санаб олинади, уларни ажратиш тахтасига қўйилади, сўнг ҳар бир доннинг ариқчалари бўйлаб кесилади ва лупа остида қўздан кечирилади. Заарланган донларда узунтумшуклар у ёки бу ривожланиш даврида (личинка, ғумбаги, қўнғиз) топилиши мумкин. Заарланган донлар миқдори таҳлил учун олинган миқдорга нисбатан фоизда ҳисобланади. Намунадаги зааркунандалар сони ҳам аниқланади.



**4-расм. Омбор узунтумшуғи билан дөннинг яширин зараланишини аниқлаш (Брудной усули):**

1-илиқ сувда донни чайиш ( $30^0$ ); 2-донни 1% ли калий марганес аралашмасида чайиш; 3-донни совуқ сувда чайиш; 4-омбор узунтумшуғи; 5-марганес аралашмаси билан бўялган пўкакли дон; 6-дон ичидаги узунтумшук тухуми; 7-дондаги узунтумшук личинкаси; 8-личинка чиқадиган тешикли дон.

### Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари

1. Дон ва уругларнинг йигимдан сунг пишиб этилишига изоҳ беринг.
2. Саклашда доннинг униши деганда нима тушунасиз?
3. Микроорганизмларга тушунча беринг?
4. Дон массаси микрофлорасининг келиб чикишини тушунтиринг?
5. Дон массаси микрофлорасининг туркumlанишига изоҳ беринг?

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- 1. Дон уюмининг компонентлар қаторини кўрсатинг?**
- A. асосий дон экини, микроорганизм, донлараро бўшлиқ, аралашмалар, зааркунандалар
  - B. асосий дон экини, микроорганизм, аралашмалар
  - C. миркроорганизм, аралашмалар, асосий дон экини, зааркунандалар
  - D. асосий дон экини, микроорганизм. бўшлиқ, ғоваклик, зааркунандалар
- 2. Буғдой донининг ғоваклиги нечага тенг?**
- A. 35-45%
  - B. 70-80%
  - C. 50-60%
  - D. 30-40%
- 3. Буғдой донининг табиий қиялик бурчаги нечага тенг?**
- A. 23-380
  - B. 20-300
  - C. 24-310
  - D. 28-450
- 4. Доннинг ғоваклиги қайси формуладан аниқланади?**
- A.  $C=(w-b/w) \times 100\%$
  - B.  $C=b-b_1/w_1 \times 100\%$
  - C.  $C=w_1-w_2/w_1 \times 100\%$
  - D.  $C=w/w-b \times 100\%$
- 5. Доннинг очиқ шаклдаги заарланганлигини қандай усул билан аниқланади?**
- A. диаметри 2,5 мм ва 1,5 мм бўлган 2 та элакда анализ ёъли билан
  - B. донни «бороздка»си бўйича кесиб анализ қилиш ёъли билан
  - C. заарланган донларни пх муҳитда анализ қилиш ёъли орқали
  - D. 2 кг навескадаги тирик долгоносикларни санаш орқали
- 6. Дон уюмида кузатиладиган сорбсия хусусиятларни белгиланг?**
- A. абсорбсия, адсорбсия, капилляр, конденсатланиш. хемосорбсия
  - B. адсорбиция, капилляр, конденсатланиш
  - C. хемосорбсия, адсорбсия, конденсатланиш
  - D. абсорбсия, хемосорбсия, конденсатланиш
- 7. Сорбсия хусусияти қайси гурухга хос?**
- A. газ ва буғни сорбсияси ва адбсорбсияси ҳамда сув буғини сорбсияси ва адсорбсияси
  - B. сув буғи сорбсияси ва адсорбсияси
  - C. газни сорбсияси ва адсорбсияси
  - D. буғни сорбсияси ва адсорбсияси
- 8. Иссиқ пайтда дон маҳсулотларини намлиги 14%гача бўлганда қоплар неча қатор тахланади?**
- A. 10 қатор
  - B. 8 қатор
  - C. 12 қатор

D. 14 қатор

**9. Сорбция жараёни бу.....?**

- A. доннинг намланиши, яъни ҳаво таркибидаги сув буғларининг ютилиши
- B. намликни дондан ҳавога узатилиши
- C. дон сиртидаги сув буғларини босими ҳаво таркибидаги сув буғи босимидан юқори бўлганда
- D. дон сиртидаги сув буларини босими ҳаво таркибидаги сув буғи босими билан тенг бўлса

**10. Динамик мувозанат қачон вужудга келади?**

- A. дон уюми ва ҳаво намлиги босими тенглашганда
- B. дон ҳарорати билан ҳаво ҳаракати тенглашганда
- C. дон намлиги билан ҳарорати тенглашганда
- D. ҳаво намлиги билан ҳарорати тенглашганда

**11. Доннинг сақлаш даврида унинг чидамлилиги деб....?**

- A. сақлаш даврида истеъмоллик хусусиятини сақлаш
- B. сақлаш даврида уруғлик хусусиятини сақлаш
- C. сақлаш даврида технологик хусусиятини сақлаш
- D. сақлаш даврида озиқ-овқат хусусиятини сақлаш

**12. Қишлоқ хўжалик уруғшунослигига уруғларнинг чидамлилиги неча гурухга ажратилади?**

- A. биологик ва хўжалик
- B. кимёвий ва хўжалик
- C. биологик, кимёвий ва хўжалик
- D. биологик, истеъмолчилик ва хўжалик

**13. Технологик чидамлилиги бўйича уруғларни неча гурухга бўламиз?**

- A. микробиотик, мезабиотик, макробиотик
- B. макробиотик, микробиотик
- C. мезабиотик, макробиотик
- D. микробиотик, мезабиотик

**14. Қўси тенглама аероб жараёнини ифодалайди?**

- A.  $C_6H_{12}O_6 + 6O_2 \rightarrow 6CO_2 + 6H_2O +$ енергия
- B.  $C_6H_{12}O_6 \rightarrow 2CO_2 + 2C_2H_5OH +$ енергия
- C.  $C_6H_{12}O_6 + O_2 \rightarrow 6CO_2 + 6H_2O$
- D.  $C_6H_{12}O_6 + CO_2 + C_2H_5OH \rightarrow$ енергия

**15. Нафас олиш коеффициенти қайси омилларга боғлиқ?**

- A. барчаси тўғри
- B. дон ва уруғ турига
- C. донда кечадиган жараёнларга
- D. дон уюмига ҳаво оқимини келиб туриши

**16. Нафас олиш жадаллигини қайси усуллар билан аниқлаш мумкин?**

- A. барчаси тўғри
- B. дондаги қуруқ моддалар вазнининг камайишини аниқлаш
- C. ажралиб чиқаётган иссиқликини ҳисоблаш орқали
- D. ажралиб чиқаётган  $CO_2$  газини ҳисоблаш орқали, ютилган кислородни

аниқлаш

**17. Жавдарнинг табиий қиялик бурчагини топинг?**

- A. 230-380
- B. 200-270
- C. 150-200
- D. 280-450

**18. Доn уюмидаги учрайдиган микроорганизмларнинг гурух қаторини белгиланг?**

- A. сапропит, фитопатоген, патоген
- B. епифит, сапропит, фитопатоген
- C. паразит, патоген, сапропит, фитопатоген
- D. епифит, сапропит, фитопатоген, паразит

**19. Сапропит микроорганизмларга нималар киради?**

- A. бактериялар, ачитқилар, моғорлар, актиномицетлар
- B. бактериялар, минозлар, ачитқилар
- C. моғорлар, бактериялар, актиномицетлар
- D. ачитқилар, моғорлар, минозлар

**20. «Картошка» қаламчаси микроорганизмларнинг қайси гурухига киради?**

- A. бактериялар
- B. минозлар
- C. ачитқилар
- D. антиномицет лар

**21. Доn уюмининг «соғлом»лигини билдирувчи кўрсаткичларни кўрсатинг**

- A. ранг, ялтироқлик, ҳид ва таъм
- B. ранг, ялтироқлик, ҳид
- C. ҳид ва таъм
- D. ранг, ҳид ва таъм

**22. «Дератизация» деганда нима тушунилади?**

- A. кемириувчилар билан курашиш
- B. омборларда қушлар билан курашиш
- C. санитария режимига амал қилиш
- D. кимёвий ёъл билан курашиш

**23. «Фумигация» дегани нима?**

- A. заҳарли буғ ва газлардан фойдаланиш
- B. пар ва газлар ёрдамида заарсизлантириш
- C. нам ёрдамида заарсизлантириш
- D. хлор ёрдамида заарсизлантириш

**24. Қайси ҳашорат доnни яширин ҳолда зарарлайди?**

- A. узунбурун кўнғизлар
- B. капалак
- C. хрушаклар
- D. омбор узунбуруни

**25. Ҳашоратлар тўлиқ ривожланишда неча босқични босиб ўтади?**

- A. 4
- B. 2
- C. 5
- D. 6

**26. Дон массасининг физик хусусиятларига нималар киради?**

- A. сочилувчанлик, ўз-ўзидан сараланиш, ғоваклик, сорбсия, иссиқлик ўтказувчанлик
- B. намлик, сочилувчанлик, ғоваклик
- C. намлик, аралашмалар миқдори, сочилувчанлик, сараланиш
- D. сочилувчанлик, ўз-ўзидан сараланиш, иссиқлик ўтказувчанлик

**27. Физиологик жараёнларга қандай жараёнлар киради?**

- A. нафас олиш, йиғимдан кейинги етилиш, чидамлилиги, донни ўсиши
- B. чидамлилик, нафас олиш, сараланиш ва намлик. ғоваклик
- C. йиғимдан кейинги етилиш, сочилувчанлиги, ўсиши
- D. барчаси тўғри

**28. Сочилувчанлик қайси кўрсаткичлар билан аниқланади?**

- A. ишқаланиш бурчаги ва табиий оғиш бурчаги
- B. ташқи ва ички ишқаланиш коефицийенти, аралашмалар миқдори
- C. гранулометрик таркиби, ишқаланиш бурчаги
- D. табиий оғиш бурчаги, дон шакли ва ўлчами

**29. Дон массасининг сочилувчанлигига таъсир этувчи омиллар?**

- A. гранулометrik таркиби, тавсифи, аралашмалар миқдори, юза сирти
- B. донни шакли, ўлчами, намлиги
- C. донни сиртқи ҳолати, намлиги
- D. оғиш бурчаги, табиий қиялик бурчаги

**30. Кулранг қаламуш агар фактат дон билан озиқланса, бир йилда неча кг дон ейди?**

- A. 22-23 кг
- B. 15 кг гача
- C. 10-15 кг
- D. 15-22 кг

**31. Ўз-ўзидан қизиш юзага келган вақтда дон уюмларининг ҳарорати неча градусга кўтарилади?**

- A. 55-650c
- B. 35-400c
- C. 45-500c
- D. 850c

**32. Донни ўз-ўзидан сараланиши деганда нимани тушунасиз?**

- A. тўкилиш жараёнида донни оғирлиги ва компонентларнинг турига қараб сараланишида
- B. тўкилишда идиш деворлари яқинида оғир донлар жойлашиб олиши
- C. дон аралашмасини аста-секин силослардан бир текис тарқалиши
- D. дон аралашмасини аста-секин сараланиб бир текис тарқалиши

**33. Дон маҳсулотларини сақлашда ёъқотиш неча гурухга бўлинади?**

- A. биологик, механик
- B. кимёвий, механик
- C. кимёвий, физик
- D. биологик, физик

**34. Донни силослардан оқиб тушишини уч холатини кўрсатинг**

- A. меёрий, симметрик, ассиметрик
- B. меёрий, симметрик
- C. симметрик, ассиметрик
- D. вертикал, параллел

**35. Доннинг узунбурун қўнгизлар ва каналар билан заарланганлик неча даражага бўлинади?**

- A. 3
- B. 2
- C. 5
- D. 7

**36. Ўсимлик ургуларини биологик чидамлилиги бўйича неча гурухга бўлинади?**

- A. микробиотик, мезобиотик, макробиотик
- B. мезобиотик, микробиотик
- C. микробиотик, микробиотик
- D. мезобиотик, микробиотик

**37. Жавдарнинг табиий қиялик бурчагини топинг?**

- A. 23-380
- B. 20-270
- C. 15-200
- D. 28-450

**38. Ўз-ўзидан қизиш жараёнини учта гурухини кўрсатинг?**

- A. уяли, қатламли, ялпи
- B. уяли, ялпи
- C. ялпи
- D. уяли қатламли

**39. Дератизация деганда нима тушунилади?**

- A. сичқон ва каламушлар билан курашиш
- B. микроорганизмлар билан курашиш
- C. санитар режимига амал қилиш
- D. полдаги тешикларни ўз вақтида ёпиш

**40. Дезинсексия деганда нима тушунилади**

- A. хашорот ва каналарга қарши кураш
- B. санитар режимига амал қилиш
- C. полдаги тешикларни ўз вақтида ёпиш
- D. верусларга қарши кураш

**41. Ургуларни микробиотик чидамлиги бўйича униши неча вақтгача сақланиб қолади?**

- A. 3 йилгача
- B. 1 ойгача
- C. 3 ой 1 йилгача
- D. 15 кунгача

**42. Сақланаётган донни сифати хақидаги хужжат қандай номланади?**

- A. сифат гувохномаси
- B. лабаратория журнали
- C. анализ карточкаси
- D. штабел ёрлиги

**43. Адсорбсия жараёни бу...**

- A. намликни дондан хавога узатилиши
- B. дон сиртидаги сув бугларини босими босими хаво таркибидаги сув буги босимидан юқори бўлғандা
- C. дон сиртидаги сув бугларини босими босими хаво таркибидаги сув буги босими билан тенг бўлса
- D. донга сув бугини ютилиши

**44. Совук пайтида дон махсулотларини намлиги 14% гача бўлғанда қоплар неча қатор тахланади?**

- A. 12 қатор
- B. 8 қатор
- C. 14 қатор
- D. 16 қатор

**45. Ургуларни мезобиотик чидамлиги бўйича униши неча вақтгача сақланиб қолади?**

- A. 3-15 йилгача
- B. 1-3 йилгача
- C. 3 ой 1 йилгача
- D. 15 кунгача

**46. Ургуларни макробиотик чидамлиги бўйича униши неча вақтгача сақланиб қолади?**

- A. 15-100 йилгача
- B. 1-15 йилгача
- C. 1 йилгача
- D. 10 ойгача

**47. Дон юомидаги микроорганизмларни гурӯхини топинг**

- A. сапрофит, фитопотагин, патоген
- B. сапрофит, фитопотагин, эпифит, бошқа сарофитлар
- C. ерифит, ачитқилар, бактериялар
- D. патоген, сапрофит

**48. 1 м<sup>2</sup> хажмга неча кг бугдой дони тўгри келади?**

- A. 730-840
- B. 440-550
- C. 680-820
- D. 580-700

**49. Қачон дон уюми мухитдан намликни синдириб олади?**

- A. дон юзасидаги сув бугини босими хавоникидан юқори бўлса
- B. дон сиртидаги сув бугини босими хаво сув буги босими билан тенг бўлса
- C. дондаги сув бугини босими хавоникидан паст бўлса
- D. тугри жавоб кўрсатилмаган

**50. Дон маҳсулотларини исроф этмай сифатли сақлаш учун қайси жараёнлар бажарилиши керак?**

- A. сақлашдан олдин маҳсулот сифатини назорат қилиш, ишлов бериш, оптимал сақлаш шароитини яратиш
- B. сақланаётган бункерларни хажмини кенгайтириш
- C. дон маҳсулотларини табиий камайишини ошириб бориш
- D. сақлаш давомида сифатини тушурмай сақлаш ва яхшилаш